

Аллоҳга етишиш (2-қисм)



17:42 / 18.07.2017 4355

2. Банданинг Аллоҳ таолонинг висолига етишидаги иккинчи даража бу дунёда кечаётган жараёнларда сабабларни унутиб, ҳар бир нарсада Аллоҳ таолонинг тадбири борлигини кўриш даражасидир. Унда банда мавжудотларни Аллоҳ таолога ва У Зотнинг баркамол сифатларига далил қилиш даражасидан мавжудотларда Ўзи яхши таниган Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг қудрати, санъати, маҳорати ва бошқа баркамол сифатларини кўриш даражасига кўтарилади. Мўмин банда ушбу даражага кўтарилиши ва унда бардавом бўлиши учун икки хислатни ўзида мужассам қилиши керак.

Биринчи хислат – Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг зикрини кўпайтириш. Хусусан, қалб зикрини кўпайтириш. Бу ишни амалга оширишнинг энг осон услуби – банда ўзига етаётган турли-туман неъматларни Аллоҳ таолога боғлаб, вақтида уларнинг шукрини қилиб туриши лозим.

Иккинчи хислат – давомли равишда турли-туман нафл ибодатлари қилиб юриш. Албатта, бу хислатга эга бўлиш бандани Аллоҳ таолонинг иноятига ва муҳаббатига эриштиради. Ўз навбатида банда ҳам Ҳақ субҳанаҳу ва таолога муҳаббатли бўлади.

Қуйидаги ҳадиси қудсийда нафл ибодатлари ила Аллоҳ таолога яқинлашиш ва унинг самаралари хусусида сўз юритилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таоло: «Ким Менинг валийимга душманлик қилса, батаҳқиқ, Мен унга уруш эълон қиламан.

Бандам Менга Мен унга фарз қилган нарсаларим ила яқинлашгани каби Менга маҳбуб нарса ила яқинлаша олмас.

Бандам Менга нафллари ила яқинлашишида бардавом бўлса, Мен унга муҳаббат қиламан.

Қачон Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан.

Агар Мендан сўраса, албатта унга бераман. Агар у Мендан паноҳ тиласа, Мен уни Ўз паноҳимга оламан.

Ўзим қилувчи бўлган ҳеч бир нарсада мўминнинг жони ҳақида иккиланганимдек иккиланган эмасман. У ўлимни ёқтирмайди. Мен эса унга ёмонлик қилишни истамайман», деди».

Бухорий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда нозик масалалар нозик иборалар ила баён қилинган. Шунинг учун унинг зоҳирий маъносига учмасдан, уламоларимиз узоқ изланишлар оқибатида эришган нозик натижаларни ҳушёрлик билан ўзлаштиришимиз лозим.

Аллоҳ таолога алоҳида яқин бўлиш шарафига муяссар бўлган саодатманд зотлар қай тарзда Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилганлари ҳадиси қудсийда шундай баён этилади.

«Бандам Менга Мен унга фарз қилган нарсаларим ила яқинлашгани каби Менга маҳбуб нарса ила яқинлаша олмас».

Демак, банда Аллоҳ таолога яқин бўлиш учун аввало ўзига фарз қилинган нарсаларни ўринлатиб адо этадиган бўлиши лозим. Фарз амалларни бекаму кўст адо қилган бандагина Аллоҳ таолога яқинлик касб қилган бўлар экан. Фарз амалларни қилмай туриб, Аллоҳ таолога яқин бўлишни

ҳатто хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас экан.

Фарз амалларни тўлиқ адо этиб, Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилган бандалар яна ҳам яқинроқ бўлиш имконига эга бўлар эканлар. Бунинг учун улар нафл ибодатлар билан машғул бўлмоқлари лозим.

«Бандам Менга нафллар ила яқинлашишида бардавом бўлса, Мен унга муҳаббат қиламан».

Агар банда фарзларни тўлиқ адо қилганидан кейин нафлларни бардавом бажариб юрса, маълум даражага етганида, Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлар экан.

«Қачон Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан».

Бу жумлада келган Аллоҳ таолонинг «Унинг эшитадиган қулоғи бўламан» дегани банданинг фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсаларни эшитадиган, бошқа нарсаларни эшитмайдиган ҳолга етиб қолишини билдиради. Бу ерда зинҳор зоҳирий маънони хаёлга келтирмаслик керак.

Шунингдек, «кўрадиган кўзи» деганда банда Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсадан бошқа нарсани кўришдан ўзини тортадиган бўлишини, «ушлайдиган қўли» деганда банда фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсаларни ушлайдиган бўлишини ва «юрадиган оёғи» деганда банда фақатгина Аллоҳ таолони рози қиладиган ишларга юрадиган ҳолга етишини тушуниш лозим.

Демак, банда фарзларни адо этиш ила Аллоҳ таолога яқин бўлади. Нафл ибодатларни кўп қилиш ила Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлади. Сўнгра фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсаларни эшитадиган, кўрадиган, ушлайдиган ва Аллоҳ таолони рози қиладиган жойларга юрадиган ҳолга эришади. Бу ҳол унинг учун алоҳида бир мақомга эришиш имконини беради. У ҳолда нималар бўлишини Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидан билиб оламиз:

«Агар Мендан сўраса, албатта унга бераман. Агар у Мендан паноҳ тиласа, Мен уни Ўз паноҳимга оламан».

Қисқа қилиб айтиладиган бўлса, бу ҳолда банда дуоси тўхтовсиз қабул бўладиган шарафга ноил бўлади. Валийларнинг ҳоли шундай.

3. Банданинг Аллоҳ таолонинг висолига етишишининг учинчи даражаси иккинчи даражага етган бандаларнинг ҳайбат, унс, вужд, жам, фарқ, фано, бақо, соҳв, суқр ва бошқа мақоматларни эгаллашидир.

Солик ушбу мақомларда кўтарилиб борар экан, ўзининг Аллоҳ таоло ҳузуридаги нуқсонларини кўпроқ сезади, ҳоли яхши эмаслигини идроқ этади ва У Зотнинг ҳақлари қанчалик кўп эканини ҳис қилиб боради.

Аллоҳ таолонинг висолига етишиш ана шундай кечади.

Дастлаб банда ўзида ақлни қалб билан боғлайдиган ва қалбда кўрқув пайдо қиладиган Аллоҳ таоло ҳақидаги маърифатни ҳосил қилади.

Кейинги босқич муҳаббат даражаси дейилади. Унда банда фарз ва нафл ибодатларни адо этган ҳолда Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилади. Шу билан барча иши ва тасарруфидан Ҳақ субҳанаҳу ва таолога муҳаббат ёғиладиган бўлади. Аллоҳ таолонинг розилиги ва муҳаббати йўлидаги барча фаолиятлари тоат-ибодат ва қурбатга айланади.

Шундан кейин сўнги йўқ даражаларга, мартабага кўтарилади. Бунда Аллоҳ таолога яқинлашиш тинмайди, банданинг ички олами тўхтовсиз мусаффолашиб боради.

Банданинг Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг висолига етишишининг асосий сирини – Аллоҳ таоло банданинг қалбига солган нурдир. Қачон банда жоҳиллик ваҳшатидан маърифат унсига ўтса, дунёвий ва нафсоний рағбату истаклардан озод бўлса, Ҳақ субҳанаҳу ва таолога муҳаббат қилишга, маҳобати қаршисида ҳар доим таъзимда бўлишга ва У Зотни улуғлашга тайёр туради.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

«Аллоҳ хоҳлаган одамни Ўз нурига ҳидоят қилур» (35-оят).

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг нурига ҳаммани ҳам ҳидоят қилавермайди. Кўзи кўр одам қуёшнинг, ойнинг, юлдузнинг, ҳатто олдида турган чироқнинг нурини кўрмаганидек, қалб кўзи кўр одам ҳам Аллоҳнинг нурига – иймонга, дину диёнатга, Қуръонга, Исломга ҳидоят топмайди.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

«Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас» (40-оят).

Чунки Аллоҳнинг нуридан бошқа нур йўқдир. Шунинг учун Аллоҳнинг нуридан маҳрум бўлган кофир ва мунофиқлар қат-қат зулматлар остида қолган киши кабидирлар.

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло барчамизга Аллоҳга етишишимиз У Зот ҳақидаги илмга етишишимиз эканини тўлиқ англашни насиб қилсин! Барчамизга Ҳақ субҳанаҳу ва таоло У Зотга бир нарса етиши ёки Унинг бир нарсага етишишидан улуғ эканини тўлиқ англаш насиб этсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)